

ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИДА БОЛА ТАРБИЯСИ

Турдива Иззатой Садиқовна

Денов тадбиркорик ва педагогика институти уқитувчиси

Исмоилова Муслима Наби кизи

ДТПИ Мактабгаа таълим 3-босқич талабаси

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистонда ва жаҳонда болалар тарбиясининг бугунги кундаги ҳолати таҳлил қилинган. Шунингдек мазкур мақолада болалар тарбиясида эътибор батафсил ёритиб берилган:

Калит сўзлар: Она юрт, бола, тарбия, оила, ёш авлод, жамият, таълим-тарбия, фарзанд тарбияси, ахлоқий-маънавий муҳит, маърифатли ва маънавиятли шахс, ижтимоий муҳит.

Аллоҳ таоло инсонларни асл хилқатда истеъдод ва қобилиятли, яхши билан ёмонни, фойда билан зарарни, оқ билан қорани ажратадиган қилиб яратган. Лекин инсондаги бу қобилиятни камолга етказиш – тарбия билан бўлур.

Абдулла Авлоний.

“Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” китобидан.

Ҳар бир бола ўзи бир мўъжиза! Ҳар бир оила ўзи бир салтанат!

Мустақил Ўзбекистонимизда барча хайрли ишлар аввало оилаларни мустаҳкамлаш ва ёш авлоднинг ёруғ келажагини таъминлаш мақсадида амалга оширилмоқда. Зеро, оила соғлом экан, жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан, мамлакат барқарордир. Болалар тарбиясига нафақат оила, таълим-тарбия муассасалари балки маҳалла ҳам маъсулдир. Чунки, фарзанд тарбияси кўп омилларга, аввало, ахлоқий-маънавий муҳитга ҳам боғлиқ. Нафақат бир оила, балки ер сайёрасидаги ҳар бир мамлакатнинг гуллаб-яшнаши, ундаги яшовчи халқларнинг фароғати ҳам шак-шубҳасиз таълим ва тарбия туфайлидир. Она юртига муҳаббатни шакллантириш, маърифатли ва маънавиятли шахс сифатида вояга етишларини таъминлаш, болаларнинг маънавий баркамол ва жисмонан соғлом бўлишлари учун иқтисодий ва ижтимоий муҳитни яратиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Фарзанд, Оллоҳ томонидан ато этилган улуғ неъмат бўлиши билан бирга, у ота-онага топширилган маъсулият ҳамда омонатдир. Болалар - келажагимиз экан, уларни ҳам жисмонан, ҳам руҳан, ҳам маънан

соғлом бўлиб камолга етказиш барчамизнинг асосий вазифамиз бўлиб қолиши керак. Ота-она фарзандни яратувчи эмас. Балки фарзанднинг психологик хусусиятларини тўғри шакллантириш ва ривожлантирувчи шахсдир. Тарбия биздан кўп нарсаларни талаб қилади. Фарзандга тўғри тарбия бериш эса оиладан бошланади. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ 139 Қонунининг 13-моддасида “Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, улар билан бирга яшаш ва уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга, унинг манфаатларига зид бўлган ҳоллар бундан мустасно. Боланинг ота-онаси бўлмаганда, улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ҳамда бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда унинг оилада яшаш ҳамда тарбияланиш ҳуқуқи васийлик ва ҳомийлик органи томонидан таъминланади” деб белгилаб қўйилган.

Оилада фарзандларнинг ҳар томонлама камол топиши учун маънавий-ахлоқий шароитлар яратилсагина муваффақиятларга эришилади. Масалан, оила муқаддаслигини чуқуранглаш керак. Авлодлар ўзгариши мумкин, йиллар бир-бирига ўхшамаслиги мумкин. Аммо юракдаги меҳр-муҳаббат ҳеч қачон ўзгармайди. Муҳаббат бу-аввалоинсон ўзига ишониши, ўзини ҳурмат қилиш учун ҳам жасорат талаб қилади. Фарзандлар ўзидан ўзика татабўлиб қолмайди уларга қийим, озиқ-овқат, уй-жой зарур. Шунингдек, албатта талаб қилиниши учун шароит керак. Фарзандлар тарбияси учун энг муҳими инсоний самимият ва ота-онанинг эътибори ва меҳр-муҳаббати дир.

Қуйида баъзи мамлакатларда болалар тарбияси тўғрисида қисқача маълумотлар келтирилади:

Финляндия дунёдаги энг болажон мамлакат ҳисобланади. Унда жисмоний имконияти чегараланган болалар оддий боғча ва мактабларга боришади. Бу ерданоги рон ва соғлом бола вжратилмайди. Ўйин болани ривожлантирувчи асосий восита дир. Ота-оналар ҳам бунга катта эътибор беришади. Шунинг учун ҳам барчатаълим уассасалари ҳамда жамоат жойлари ўйингоҳлар ва майдончалар, болани овқатлантириш учун махсус хоналар, кафеларда махсус болалар учун таомномалар, жамоат транспорти эса болалар ўриндиқлари билан жиҳозланган. Фин жамиятида жинслар тенглигига қатъий амал қилинади. Ота ва она фарзандига бирдай масъул дир.

Францияда болаларни чақалоқлик давриданоқ болалар боғчасига бериш одатий ҳолдир. Биринчидан, бу француз аёлларига ишлаш имкониятини берса, иккинчидан, улар гўдаклигиданоқ жамоага мослашади ва мустақил бўлиб ўсадилар. 6 ёшиданоқ француз болакай ўзи мустақил мактабга боради, дўкондан нарса харид қилади, уйда ёлғиз қолади. Шунга қарамай, французлар 30-35 ёшгача ота-она уйида яшашлари ва ўз оиласига эга бўлишга шошилмасликлари мумкин.

Германияда болаларнинг ривожига 3 ёшдан бошлаб катта эътибор берилди. Оналар ўз фарзандларини бошланғич босқичда ҳафтада бир март а, каттароқ бўлганларида бир неча маротаба махсус ривожлантириш гуруҳларига олиб боришади. Мақсад жамоа бўлиб ўйнаш, ўзаро мулоқотга ўргатилди. Фақатгина мажбурий гуруҳларга болаборганидан сўнги на уни бола боғчасига беришади. Чунки фарзанднинг боғчага кўникиши осон кечадива болалар бу ерда ўзларини эркин ҳис қилдилар. Боғчада болага ўз ҳуқуқларини, уларни ҳеч ким ҳақ қилиши мумкин эмаслигини ўргатишади. Бунафақат болаларга кўлкўтариш, балки катталар томонидан уларга овозни бала билдириш, ҳақ қилишнинг олдини олиш ҳам демакдир. Немислар ўз фарзандларига ёшлигиданоқ тежамкорлик, интизомли бўлишни, атроф-муҳитни муҳофаза этишни, одоб-ахлоқни ўргатишади. Йигит ва қизлар аксарият ҳолатларда 30 ёшга қадар турмуш қуришса-да, 40 ёшларга бориб, яъни ўзлари маънан ва моддий равишда тайёр бўлгач, фарзанд кўришади. Ота-оналарнинг ўз фарзандларига ёрдам бермасликлари, болалар боғчаларининг тўлиқ кун ишламаслиги, энага хизматининг қиммат туриши ҳисобига аёллар фарзанд кўришга шошилишмайди ва шу сабабли Европа давлатлари ичида мамлакатда туғилиш энг кам ҳисобланади. Фарзанд кўришдан олдин ёш оила кичик уйда туришса, уни каттароғига, бола учун алоҳида хонаси бор уйга алмаштиришади, олдиндан тажрибали энага, педиатр топишади, ҳомиладорликнинг ҳар бир босқичида тиббий кўриқдан ўтилади. Бола туғилгач, унинг тарбиясига жиддий эътибор берилди.

Германияда болаларга кичик ёшида телевизор кўришга рухсат берилмайди ва иложи борича соат 20.00 да ухлашга ётқизишади, чунки кичкинтойни эрта уйғонишга, кичик ёшиданоқ ўз кунини режалаштириш, муҳим саналар (қариндошларнинг туғилган кунлари)ни ёдда сақлаш, ўз харажатларини назорат қилишга ўргатишади. Германияда болалар боғчалари асосан кичкинтойларни жамоада ўзини тутиш, мулоқотда бўлишга ўргатади, ёзиш ва ўқиш фақатгина мактабдан бошлаб ўқитилади. Бола гўдаклигиданоқ энага назоратида ўзи истаган ишни

қилади, ўқиш кичкинтой учун фойдали ва ёқимли бўлишига алоҳида эътибор қаратилади, ҳар бир боланинг иқтидорига қараб фанларни танлашга ҳаракат қилинади.

Япония–

кунчиқармамлакатаҳолиси фарзандларининг тарбиясига ўта жиддий қарашади. Бу ерда ҳар бир ёшганисбатан маълум бир муносабатда бўлинади ва айри тарбия усуллари қўлланилади. Машҳур япон руҳшуноси Масара Ибукининг фикрига кўра, болага асосий тарбияни 3 ёшгача бериш лозим. Айна 3 ёшга қадар фарзанднинг издаги яшириниқтидорни юзага чиқариш мумкин. Японияликда

5 ёшгача бўлган кичкинтойлари стаганлари чаўйнашлари, миясига келгани шни қилишлари мумкин. Ҳаттоки болалар боғчаларида болакайлар флом астер билан деворга тўйгунлари чачишлари учун махсус хоналар мавжуд. Ота-оналар ўз фарзандларини ўйинчоқлар ва ортиқча қийим-кечак билан сийлашмайди. Улар кўпинча акалари ва опалари дан қолган қийимларни қийишади. Сайргачиққанда эса ўйинчоқлар олиб чиқилмайди. Болаларда атраф-муҳитга бўлган меҳришаклантириш мақсадида табиатини омлари билан яна ширивожлантирувчи ўйинлар ўйнашга ҳаракат қилинади.

5 ёшдан 15 ёшга қадар кичик японияликларнинг тартиб-интизомга ва катталарга пинийиққилмасликка ўргатишади. Тарбияга бундай ёндашувасрдан асрга ўтиб келаётгани ва Япония жамиятининг ажралмас бўлаги бўлган лиги боис болалар бунимеъёрдаги ҳолат сифатида қабул қилишади. Яна бир жиҳат. Мамлакатда оналарнинг болалар тарбияси дан ажралмаган ҳолда кўшимча билим олишига катта эътибор берилади. Мақсаду лар тарбиясида бўлган фарзандларининг келгусида ҳар жиҳатдан комил инсон бўлиб етишишлари дир.

Америка Қўшма Штатларидаги эркинлик болалар тарбиясида ҳам ўз аксинини топган. Оналар фарзандларининг ҳар сониялик қизиқишлари ва инжиқликларини қондиришга тайёр диллар. Аксарият болалар 4-5 ёшларида ўйинчоқларнинг барча тури билан танишишади, кўпинча америкалик оналарнинг гараж ва оғборхоналари бир маротаба ўйналган ўйинчоқлар билан тўлиб-тошади. Иккинчи томондан, гўдаклигиданоқ америкалик болакайлар «Сен энг чиройлисан, энг яхшисан, энг ақллисан, энг қобилиятлисан», деган сўзларни ҳар кун иэшитган ҳолда ўсишади. Мақсад– мустақилинсоннинг тарбиялаш! Агарда бола хато қилса, уни урушмай: «Яна бир маротаба ҳаракат қилиб кўр! Сен, албатта, бунини урдалайсан! Чунки сен ўз ўрсан!» дея қўллаб-

қувватланади. Албатта, бундай ёндашув келгусида ўзининг мева синиберади.

Европа мамлакатларида болаларнинг тукшахс бўлиб ривожланишлари учун барча имкониятлари шга солинади. Оталарнинг тизом ёки қатъий режимга кам эътибор беришади. Улар учун боланинг хавфсизлиги биринчи ўринда туради. Катталар болаларнинг фикрлари га қулоқ солиб, аксарият ҳолда ўз фикрларини ўзгартиришлари ҳам мумкин.

Швецияда болаларга шаклланган шахс сифатида қарашади. Уларнинг ҳам ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бор. Шунингдек, шведлардаги бағрикенглик, ўзгага, унинг қарашларига, маданияти, дини, ирқиганисбатан ҳурмат дава сабрий бўлиш, агарда инсоннинг бирор-бир жисмоний ёки руҳий камчилиги бўлса, унга тенг қурси сифатида қараш болалик дан оқёшав лодонгига сингдирилади.

Чақалоқ дунёга келгач, ёш шведоналар давлат томонидан ҳар томонла мақўллаб-қувватланади. Ҳомиладорлик даврида аёллар бе пултиббий ёрдам ва маслаҳат олсалар, фарзанд туғилгач, албатта, онага болага қарашни ўргатувчи ҳамшира бириктирилади. Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимият оналар учун болатарбияси, парвариши билан боғлиқ хилма-хил текин курслар таъсия этади.

Ўтганасрнинг 70-йилларида Швеция биринчилардан бўлиб фарзандига қўлкўтарган оталарни жазолай бошлади. Боғча дан оқ болалар ўз ҳуқуқларини биладилар. Мазкур сул «стрессиз тарбия» деб аталади. Аммо шведлар болатарбияси дамаълум чегараланиш бўлиши лозим, деб ҳисоблашади. Болани фаол, ўз фикрини билдирадиган, мустақил, олди га қўйган мақсади га эришадигани нсон сифати да тарбиялаш га ҳаракат қилинади. Оталарнинг фарзандига қўлкўтариши, бақариши, бир нарсасўраса, унга тушунтирмаслиги, «Йўқ, дедимми, йўқ!» иборасининг шлатилиши уларнинг тарбиясизлиги ва қонунолди да жавоб бериши лозимлигини билдиради. Ижтимоий хизмат ходимлари мунтазам равишда ҳудуддаги оталарнинг фарзандларига нисбатан хатти-ҳаракати дан бохабар бўлиб туришади. Агардасално жўя ҳаракат қилинаётганини сезиб қолишса, судорқали бола оталардан торти болинади. Давлат бундай болаларнинг фаровонлиги учун жуда ҳам кўппулажратади, судлар эса фақатгина бола манфаатидан келиб чиққан ҳолда ишқўради. Бу нарсасўнгийилларда болаларуйи дагитарбияланувчилар сонининг кескин кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Италияда болаларнинг тарбияси билан ота-онадан ташқари бобова бувилари, хола, амма, тоғою амакилари ҳам шуғулланишади. Кичкинтой катта оилада ўсадива одатда боғчага бормайди. Италияда болаларнинг барча инжиқликларини кўтаришади, доим осовгалар беришади ва деярли жазолашмайди. Баъзида Италиялик она боласига жаҳли иқиб бақирса-да, аммо дарҳол уни ўпиб, қучоқлаб, юпатишгатушади.

Италияда бола боғчага уч ёшдан бошлаб қатнайди. Бу ерда унга ўқиш ва ёзишни ўргатиб, мактабгата ёрлашади, жамоага мослашишни ўргатишади. Доимий равишда жамоавий ўйинлар, спектакллар қўйилади, ҳафтада икки маротаба бирор тахорижий тил ўргатилади.

Англияда болалар босқичма-босқич тарбияланишади. Чунки бу ерда кеч турмушгачи қиш ёки уйланишодатий ҳол. Кўпинча инглизлар 35-40 ёшларида ота-оналик бахтига эришишади. Шунинг учун ҳам фарзанд тарбиясига жуда катта ва жиддий эътибор беришади. 2-3 ёшидан бошлаб унга дастурхонатрофида ўзини тутишни, тева рақдаги одамлар билан муомалада бўлишни, ўз хиссиётларини яширишни ўргатишади.

Австралияда фарзандига жазо бериш ёки бермаслик ниота-оналарнинг ўзлари ҳал қилади. Европа мамлакатлари каби бу ерда ҳам турмушқуришга ёшлар шошилишмайди, фарзандли бўлиш бахтига эса 35 ёшлардан кейин эришишади. Фарзанд кўрган аёл гадавлат томонидан жуда ҳам юқори бола пули берилади, шунинг билан аёллар узоқ пайтишгачи қмай, вақтларини гўдак тарбиясига бағишлашади.

Австралияда болалар боғчаси пулли бўлиб, кунлик тарбия 20-50 долларатрофида туради. Боғчада кичкинтойлар, асосан, ривожлантирувчи ўйинлар, расм чизиш, пластилиндан буюм ясаш, аппликациялар билан машғул бўладилар. Мактабга эрта, яъни 5 ёшдан боришларини инобатга олган ҳолда муассасада ўқиш ва ёзиш ўргатилмайди. Тарбиячи ҳеч қачон онага болани ёмонламайди. Боғчадан ташқари мамлакатда кўплаб болалар клублари мавжуд. Улар болаларнинг қизиқишларига қараб ташиқил этилади.

Исроилда фарзанд тарбияси алоҳида эътиборда, чунки бу ерда бола оиланинг маркази ҳисобланади. Боғчаларга гўдаклар 6 ой лигидан қабул қилинади. Давлат қарамоғидаги мактабгачатаълим муассасаларидан ташқари мамлакатда оилавий типдаги боғчалар – «мишпахтон»лар кенг тарқалган. Бундай боғчаларнинг гуруҳларида болалар сонини 5 нафар дан ошмайди ва тарбияланувчиларни ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Барча боғчалар компьютерлар, к

утубхоналар билан жиҳозланган. Ҳар ҳафтатарбияланувчилар, албатта, экскурсияларга олиб чиқилади, спектакллар қўйиш, спорт ва мусиқа билан шуғулланишга эътибор қаратилади.

Оилада болаларга, агар дауларнинг ҳаётлари гараҳна солинмаса, барчанарсамумкин. Убақириси, югуриши, ҳаттоки ота-онаси гаиста ганича эътироз билдириши мумкин. Аммо чегарадан чиқса, унга қатъий равишдан оҳақлигити шунтирилади. Бу нарса гўдак 2 ёшгача бўлган ансўнгбосқичма-босқича малгаоширилади.

Хитой халқи бутун дунёга ўзининг меҳнатсеварлиги билан машҳур. Икки нчи жаҳон уришидан сўнг қисқамуддатичида Хитой маҳсулотлари дунёбозорини тўлдирганлиги бунингяққолисботидир. Хитойликлар жуда ҳам интизомли ва спортсевар халқ. Албатта, фарзандтарбиясида ҳам бу ўзаксини топади. Агарда Европа мамлакатларида бола тарбияси гаасосан ота-она масъул бўлса, Хитойда бу нарса давлат зиммасидадир.

Учойдан бошлаб чақалоқ боғчага топширилади. Бир ярим ёшдан бошлаб кичик хитойликлар рақсга тушиш, ашула айтиш, расм чизиш, санаш ва ҳарфларни танишга ўргатила бошланади. Бошланғич синфдан оқинтизомли бўлиш, инжиқлик қилмаслик ва яхши ўқиш талаб этилади. Итоаткорлик ва «мен» ниюз ага чиқармаслик хитой тарбиясининг асосидир.

Боғчаларда тарбия билан биргаликда жисмоний ривожланишга катта эътибор берилади. Боланинг қизиқишлари инобатга олиниб, унинг қитидорини амаойиш қилишга ҳаракат қилинади.

Жанубий Кореяда болалар тарбияси билан, асосан, болалар боғчала ривабуви лар шуғулланиша ётир. Шунга қарамай, она уйга келиши билан фарзандининг барчаму аммо лариниякка ўзи халэтишга киришади. Оталард оимойишда бўлганлиги сабабли камдан-кам ҳолатда болалар ўзоталари билан сирдош бўлишади. Лекин бирор-бир масалада охиригинуқтани отақўяди.

Корейслар оиласида бобовабуви ларнинг фикри жуда қадрланади. Улар оролда болани уришиш мумкин эмас. Чунки бу нарса катта ёшдагиларга нисбатан ҳурматсизликни билдиради. Бобовабуви лар невараларининг тарбиясида фаол қатнашишади. Анъанавий байрамларда улар ўғитларини аямай, оилатари хинисўзлаб беришади. Ҳар бир корейлик ўзининг келиб чиқиши ва илдиларини билиши шарт. Япониядаги каби Кореяда ҳам 5 ёшгача бола га ҳам манарсамумкин. Кичик тоғни урушишмайди, унинг ҳар бири лтимоси қондирилади. Онаси эса доимо унинг ёнида бўлади. Беш ёшдан сўнг бола тартиб ва интизомга ўргатила бошланади. Қанчалик унинг ёши ўсиб борса, шунчалик унинг интизомга ўргатила бошланади.

Ҳиндистонда ҳиндота- оналари фарзандларига гўдаклигиданоқатроф- муҳитни билишда қалб ва ҳиссиётлари амрига бўй сунган ҳолда фаолият юритишни ўргатишади: бир орта инсон, ҳайвон ва қушнинг аҳоли маслиҳати, табиати асраш, барча ганисбатан меҳрибон бўлишни ўргатишади.

Ҳиндлар – донишмандота- оналардир. Уларнинг аксарияти 20 ёшгача бўлмаган фарзанд кўришса- да, болаларига ҳеч қачон бақаришмайди ва шу орқали уларнинг ахлоқий ҳиссиётларини назорат қилишга ўргатишади.

Африка мамлакатларида болалар гўдаклигиданоқ ўз ҳолигата шлаб қўйилган лиги учуна аксарият ҳолатларда уўзига мактопиш, ҳимоя ланиш, ювинишнинг мустақил ўрганади. Африкалик оналар болаларни тарбиясида бирор-бир қоидага риоя қилишмайди. Бола ёки ўз ҳолигата шлаб қўйилади, ёки тунук унонаси билан бирга бўлади. Оналар фарзандларини латтага ўралган ҳолда кечгача орқаларида кўтариб юришади. Агарда бола тунда ҳамоқат сўраса, усоғлом ҳисобланади. Кенияда ҳатто китунда болани бир неча маротаба ауйғотишади. Узоқ ухлаш яхшилик келтирмайди, деб ҳисобланади. Конго, Угандасингаримамлакатларда икки ёшли боланинг идиш юваётгани, учёши да эса мустақил равишда егулик харида қилаётганини кўриш мумкин.

Болалар тарбиясида энг аввало қуйидагиларни билиш лозим:

1.

Аввало бола ўз “Мен” иганисбатан муносабатини англаши керак. Бугўдаклик ва мактабгача даврда бўлиб ўтади. “Қайсарлик даври” – дебат аши миз мумкин.

2.

Бунда аввало “Сен” оламини ривож ланиши. Яъни, ўзининг ақли, ота-онаси, дўстлари, акалари, қориндошлари, атрофдаги муҳит билан ҳаётнинг инновлар ва ички кураш бошланади.

3.

Балоғатга етилиш даври. Жуда мураккаб давр. Бунда қадриятларнинг асуяниб, кексаларнинг маслаҳатини олиб туриш керак.

Шундай экан, ҳар бир ота-она фарзанд тарбиясида ўзларининг бурч ва маъсулиятларини чуқур англашлари лозим. Оилада руҳий хотиржамлик, самимий муносабат, ота-она обрўсининг юқори бўлиши, болаларга талаб қўйишда оила катталари ўртасидаги бирликнинг сақланиши, бола шахсини меҳнатга тарбиялашга алоҳида эътибор бериш, болани севиш ва иззатини жойига қўйиш, оилада қатъий режим ва кун тартибини ўрнатиш, боланинг ёш ва шахсий

хусусиятларини ҳисобга олиш, боладаги ўзгаришларни кузатиб бориш, ундаги мустақилликка интилиш ва ташаббускорлик сифатларини қўллаб-қувватлаш ота-оналарнинг асосий вазифалаидан бўлиб қолиши зарур.

АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ 139 Қонуни.7 январь 2008 йил.
2. О.Авлаев. ТошДАУ “Ўзбек тили, педагогика ва психология” кафедраси, Тошкент-2019 й.
3. <http://google.co.uz/>,
<http://www.muslimaat.uz>,
<http://www.Hidoyat.uz>,
<http://www.ziyonet.uz>,
<http://www.MDO.uz>